



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ДИНАМИКАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Маматов Ахметжан Атажанович -
и.ф.д., профессор Жамоат хавфсизлиги университети.

Хуррамов Азамат Файзуллаевич -
и.ф.д., профессор Қарши муҳандислик-
иқтисодиёт институти

Аралов Худоёр Мусақулович -
и.ф.н., доцент в.б. Жиззах политехника институти

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a46](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a46)

Аннотация. Мақолада ЯИМ таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳалари улушининг ўзгариши ҳамда саноатнинг тармоқ таркибида юқори, ўрта-юқори ва ўрта-қуйи технологиялар улушининг ўзгариши динамикаси тадқиқ этилган. Бу тармоқ ўзгаришларнинг мамлакат экспортининг товар таркибига таъсири очиқ берилган.

Калит сўзлар: ЯИМ, ишлаб чиқариш, тармоқ таркиби, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, хизмат кўрсатиш, юқори ва ўрта технологиялар, хомашё, экспорт, импорт, макроиқтисодий барқарорлик, динамика, саноат инқилоби, тенденция.

АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЙ В ОТРАСЛЕВОЙ СТРУКТУРЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ И ЕЕ ДИНАМИКИ

Маматов Ахметжан Атажанович -
д.э.н., профессор Университет
Общественной безопасности

Хуррамов Азамат Файзуллаевич -
д.э.н., профессор Каршинский инженерно-
экономический институт

Аралов Худоёр Мусақулович -
к.э.н. Джиззакский политехнический институт

Аннотация. В статье рассматривается динамика изменения доли промышленности, сельского хозяйства и услуг в ВВП, а также изменения доли высоких, низких и низких технологий в структуре промышленности. Выявлено влияние этих отраслевых изменений на товарную структуру экспорта страны.

Ключевые слова: ВВП, обрабатывающая промышленность, сетевая структура, промышленность, сельское хозяйство, транспорт, услуги, высокие и низкие технологии, сырьё, экспорт, импорт, макроэкономическая стабильность, динамика, промышленная революция, тренд.

ANALYSIS OF CHANGES IN THE SECTORAL STRUCTURE OF THE NATIONAL ECONOMY AND ITS DYNAMICS

Mamatov Akhmetjan Atajanovich -
professor of University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan.

Khurramov Azamat Fayzullaevich -
Professor of Karshi Engineering and Economic Institute

Aralov Khudoyor Musakulovich -
associate professor of Jizzah Polytechnic Institute

Annotation. The article examines the dynamics of changes in the share of industry, agriculture and services in GDP, as well as changes in the share of high, low and low technologies in the structure of industry. The impact of these sectoral changes on the commodity composition of the country's exports has been revealed.

Keywords: GDP, manufacturing, network structure, industry, agriculture, transportation, services, high and low technologies, raw materials, exports, imports, macroeconomic stability, dynamics, industrial revolution, trend.

Кириш. Жаҳонда иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси назарий асосларини такомиллаштириш инновацион иқтисодиёт моделига ўтишнинг илмий-усубий асослари каби йўналишларда кенг тадқиқ этилмоқда. Бу борада иқтисодиёт таркибий тузилмасининг ўзгарув-

чанлиги, глобаллашув ва ахборотлашувнинг таркибий тузилмага таъсири, коронавирус пандемияси сингари оммавий инқирозга олиб келувчи ҳолатларнинг иқтисодиёт таркибий тузилмасига таъсири, институционал ўзгаришларнинг таркибий трансформациялашув билан боғ-

лиқлиги, рақамли иқтисодиёт кўлами кенгайишининг таркибий силжишларга таъсири каби илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодиёт таркибий тузилмасини трансформациялаш, сунъий интеллект ёрдамида ресурсларни оқилона тақсимлаш ва трансакцион харажатларни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Рақамли иқтисодиёт асосий “драйвер” соҳага айлантирилиб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар ошириш белгиланган” [1]. Миллий иқтисодиётда такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, билимларнинг жадал равишда инновацион маҳсулотга айланишини рағбатлантириш, мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизмини яратиш зарурати вужудга келмоқда. Бу эса миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Адабиётлар шарҳи. Иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва уни трансформация қилиш механизмлари, юқори фан сиғимли технологияларнинг иқтисодий тизимнинг таркибий тузилмасига таъсирини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Т.Кун, К.Перес, М.С.Роко, В.С.Бейнбридж, Т.Жотсана, Э.Себастиан, Д.Белл, Й.Шумпетер, С.Кларк, П.Арнолд, Г.Доси кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Василевский Э., Иноземцев В.Л., Климович М.А., Красильников О.Ю., Кондратьев Н.Д., Буторина О.В., Кравец А.В., Коцюбинский В.А., Татаркин А.И., Романова О.А., Сухарев О.С. ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, А.В.Вахабов, А.В.Вахабов, А.Ўлмасов, С.В.Чепель, Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, Т.Т.Жўраев, А.А.Маматов, Д.Х.Хасанова ва бошқаларнинг илмий изланишларида иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари, саноат инқилоби натижасида шаклланаётган янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларни бозорда аниқ маҳсулотга жадал узатиш масалалари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб борилган.

Кондратьев ўзининг концепциясида “конъюнктуранинг катта цикллари” тушунчасида 45 йилдан 60 йилгача давом этадиган, мунтазам ва такрорланувчи тавсифга эга бўлган ва мувозанатнинг бузилиши ва тикланишига сабаб

бўлган узун тўлқинли тебранишларни тадқиқ этган. Катта цикллари ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири, олимнинг хулосаларига кўра, уни циклнинг юқорига кўтарилувчи тўлқини бошида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги муҳим технологик ўзгаришлар ва силжишлар деб ҳисобланди [2].

С.Кузнец иқтисодиёт таркибидаги такомиллаштиришларни илмий ва технологик ривожланиш билан изоҳлади. У илмий ютуқларни доиравий тавсифга эга деб ҳисоблаган: “...илмий ва технологик тараққиёт иқтисодий ўсишга туртки бўлди, аммо тараққиёт натижаларидан тўлиқ фойдаланиш учун жамият тегишли институционал тузилишга эга бўлиши керак, яъни иқтисодий ўсиш аслида ўз-ўзини рағбатлантирувчи жараёндир” [3]. Узоқ тўлқинли депрессия босқичида сифатли инновацияларни ўз ичига олган циклик ривожланиш концепцияси Г.Менш томонидан таклиф этилган. У инновацияларни асосий (янги маҳсулотлар яратиш) ва такомиллаштириш (мавжуд маҳсулотларни яхшилаш)га таснифлаш, инновацион маҳсулот ва узоқ тўлқинли цикл таркибида технологик янгиликларни киритди [4].

Рус олимлари ҳам циклик дунёқарашнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. О.С.Сухаревнинг фикрига кўра, “...мавжуд технологик асос – минтақавий эҳтиёжлар, мавжуд ресурслар ва эришилган меҳнат унумдорлиги даражасига мувофиқ такрор ишлаб чиқариш, тарқатиш ва алмашиш механизмлари таъсири остида юзага келадиган ўзаро боғлиқ нисбатлардаги ўзгаришларнинг мураккаб тизими” [5]. “Таркибий такомиллаштириш” тушунчаси О.Ю.Красильников нуқтаи назаридан “таркибий ўзгариш макроиқтисодий тизимнинг таққосланадиган элементлари ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши, уларнинг миқдорий хусусиятлари нисбати нотекис динамикаси” [6]. Иқтисодий жараён сифатида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар тушунчасини иқтисодий тизимда юз берадиган бошқа динамик жараёнлар: цикллари, тебранишлар билан таққослаш мумкин. Шу маънода Ю.В.Яковецнинг фикрлари қизиқарли бўлиб, унга кўра иқтисодиётдаги ҳар қандай ўзгаришларнинг асоси циклик динамика ҳисобланади [7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва уни трансформациялаш механизмларига оид муаммолар тадқиқ этилган. Т.Т.Жўраев тадқиқотларига кўра, “таркибий силжишларнинг яна бир омили мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш шаклларидаги ўзгаришлар ҳисобланади”. “Мулкчилик муносабатлари иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш ва жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга

келади” [8]. Профессор А.В.Ваҳобов фикрига кўра, “Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади: ижтимоий меҳнат тақсимооти, фан-техника тараққиёти, аҳоли эҳтиёжларининг ўсиши ва мураккаблашуви, бирламчи ишлаб чиқариш ресурслари кўлами ва чекланганлиги, ташқи иқтисодий омиллар” [9].

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, жадвал, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон иқтисодиётининг бир ёқлама тарзда комплекс ривожланиш йўлига эмас, балки фақат хомашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувига тушиб қолиши ижтимоий такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасидаги чуқур номуносивликларда намоён бўлди.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасининг юқори ўринда туриши бошқа МДХ давлатлари иқтисодиёти таркибининг асосий хусусиятларидан биридир. Масалан, бу кўрсаткич Қирғизистонда 49,5 %, Тожикистонда 38 %ни ташкил қилгани ҳолда Қозоғистонда 12,7 % ва Россияда фақатгина 7,5 %ни ташкил қилди [10].

Мустақиллик йилларида республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг саноат тармоғи таркибида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон иқтисодиёти аграр-индустриал давлатдан индустриал-аграр давлатга ривожланиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида, албатта, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи турар эди.

Мустақиллик йилларида саноат тармоғи ва хизматлар соҳасининг ривожланиш салоҳияти янада кенгайтирилиши натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги улушининг босқичма-босқич камайиши (1995 йилда 36,4 %дан 2020 йилда 28,2 %) тенденцияси сақланиб қолди. Саноат тармоғини диверсификациялаш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 1995 йилдаги 27,8 %дан 2020 йилда 34,4 %гача ошиши таъминланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тармоқларининг ЯИМда таркибий улушининг ўзгариши (1990-2020 йилларда, % ҳисобида)

Т/р	Тармоқлар	1990 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.
1.	Саноат	18,4	14,2	21,1	26,0	26,2	28,5
2.	Қишлоқ хўжалиги	33,3	30,2	26,3	20,2	20,2	28,2
3.	Қурилиш	10,6	5,9	4,8	5,8	6,0	7,0
4.	Маиший хизмат ва бошқа тармоқлар	34,4	38,6	39,4	41,1	39,7	36,3
5.	Транспорт ва алоқа	5,9	7,8	10,6	11,3	10,0	7,2
6.	Савдо ва умумий овқатланиш	3,8	10,1	8,8	9,3	8,5	7,0

Манба: Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги, 1990 йил. – Т., 1991 й.; Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. 1995-2020 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва техник-технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш асосида саноатда сезиларли даражадаги таркибий сифат ўзгаришларига эришилганлиги 2005-2020 йиллар давомида саноатни тараққий эттириш тенденцияларининг ўзига хослиги ҳисобланади. Саноат сиёсатининг асосий устуворликлари институционал ислохотлар сифати ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оши-

риш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар тақдим этиш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш ва ўрта муддатли истиқболда саноатни ривожлантириш борасидаги дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган эди.

Тадқиқ қилинган даврда саноатнинг тармоқ таркибидаги ҳаракатлар стратегиясида белгиланган катта сифат ўзгаришлари содир бўлди.

Тармоқда электр энергияси ишлаб чиқариш 18,8 %, қора металл прокати 1,7 марта, енгил автомобиллар 2,9 марта, юк автомобиллари 68,1 марта, автобуслар 7,1 марта, холодильник ва музлаткичлар 21,2 марта, кир ювиш машиналари 27,1 марта, цемент 1,9 мартага ўсганлиги

мисол бўла олади. 2005-2020 йиллар оралиғида мамлакат ташқи савдо айланмаси қарийб 3,7 маротабага ўсиб, 36,8 млрд. доллар, шу жумладан, экспорт 3,2 мартага ошиб, 14,2 млрд. дол. ни ташкил этди.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси саноатининг тармоқ таркиби ўзгариши
2010-2020 йиллар (% да)**

Т/р	Тармоқлар	2010 й.	2014 й.	2018 й.	2020 й.
1.	Тоғ-кон саноати	26,2	20,1	19,4	17,0
2.	Ишлаб чиқарилган саноат	73,8	79,9	80,6	83,0
а)	Озиқ-овқат саноати	18,0	21,4	15,7	13,5
б)	Тўқимачилик саноати	14,4	15,1	14,5	14,4
в)	Кимё саноати	6,6	7,9	8,7	6,9
г)	Фармацевтика саноати	0,5	0,6	0,7	0,8
д)	Металлургия саноати	8,1	9,6	13,5	22,9
ж)	Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	15,1	18,1	20,2	13,0
з)	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10,7	8,5	7,5	11,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, тадқиқ этилган даврда Ўзбекистон Республикаси саноатининг тармоқ таркибида тоғ-кон саноати улуши 26,2 %дан 17,0 %га пасайган. Шунга мос равишда ишлаб чиқариш саноати улуши 73,8 %дан 83,0 %га ўсган. Саноатнинг тармоқ таркибида металлургия саноати улуши кескин 8,1 %дан 22 %га ўсиши билан тавсифланади.


2020 йилга келиб, республикамызда “COVID-19” пандемияси сабабли тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида 21,9 %га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 7,9 %га пасайиш кузатилди. Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг 7,1 %га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 12,5 %га ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади. Натижада 2017 йилда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,9 %, ўрта-юқори технологияли тармоқнинг улуши 21,7 %, ўрта-қуйи технологияли тармоқнинг улуши 27,0 % ва қуйи технологияли тармоқнинг улуши 49,4 %ни ташкил этди. 2020 йилга келиб,

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида 2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,9 %, ўрта-юқори технологияли тармоқнинг улуши 22,4 %, ўрта-қуйи технологияли тармоқнинг улуши 40,1 % ва қуйи технологияли тармоқнинг улуши 35,6 %ни ташкил этди.

Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда: агар 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда меҳнат унумдорлиги 154,2 %га ошган бўлса, 2010-2020 йилгача фақат 134,6 %га ошган. Умуман олганда, Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги даражаси 2 ёки ундан кўп марта ривожланган мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигидан паст. Ўзбекистонда ўртача меҳнат унумдорлиги аҳоли жон бошига ўртача қуйи даромадли давлатларга нисбатан 16 %га ва юқори даромадли давлатларга нисбатан 54 %га паст кўрсаткични ташкил қилади. Таққослаш учун меҳнат унумдорлиги бир ишчига нисбатан АҚШда 96 минг долларга тўғри келса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,7-1,0 минг долларга тўғри келмоқда [12].

Етакчи тадқиқотчилар саноати ривожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайишини янги саноат инқилоби шароитида янги технологияларнинг тарқалиши ва ривожланиши оқибатида анъанавий технологияларнинг самарадорлиги пасайиши билан боғлайди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси саноатида юқори, ўрта-юқори, ўрта-қуйи ва қуйи технологиялар тармоғининг улуши

Ўзбекистон иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигининг паст суръатлари сабаби иқтисодиётдаги салбий тавсифдаги таркибий тузилма ва шаклланган хомашё экспорт модели деб баҳоланмоқда.

Мамлакатнинг энергия самарадорлигини кўрсатувчи муҳим сифат кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғими кўрсаткичидир. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг энергия сиғими сўнгги йилларда кескин камайиб бораётган бўлса-да, бу кўрсаткич ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан ҳамон анча пастлигича қолмоқда. Иқтисодиётимизнинг бирламчи энергия истеъмоли (ёки энергия баланси) 1997-2020 йиллар давомида 48,8 млн. т.н.э. дан 52,7 млн. т.н.э. га ошган. Энергия самарадорлигини кўрсатувчи, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, минг доллар ЯИМ тўғри келадиган т.н.э. 2015 йилда 0,2178 дан 2019 йилга келиб, 0,1933 га камайган [13]. Бу кўрсаткич Европа Иттифоқи мамлакатларида 2015 йилда 1995 йилдаги 5,8 АҚШ долларидан 2019 йилда 8,3 АҚШ долларига ошган [14].

Бугунги кунда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти энергия сиғими кўрсаткичи Евроиттифоқнинг умумий кўрсаткичидан қарийб 1,7 баробарга ортиқлиги мамлакатимизда яқин келажакда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг етарлича имкониятлари борлигини кўрсатади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти дунё бўйича энергия сиғими энг юқори бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистоннинг ЯИМ энергия сиғими кўрсаткичи қўшни мамлакат Қозоғистон кўрсаткичидан 35 %га ва Германия кўрсаткичидан 3 баробарга ортиқ.

Бозор ислохотлари шароитида асосий фондларнинг эскириш даражаси жуда суст дара-

жада камайди: 2010 йилдаги 52,7 %дан 2020 йилнинг охирида 41,4 %гача. Бундай тенденция асосий фондларнинг янгиланиш коэффициентини тадқиқ этилаётган даврда 17,1 %дан, 2020 йилга келиб, 13,5 %га тушиб қолиши ва эскирган асосий фондларнинг аҳамиятсиз даражада чиқиб кетиши 2010 йилда 1,1 %дан, 2020 йилга келиб, 1,6 %ни ташкил қилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу давр мобайнида эскирган асосий фондларнинг чиқиб кетиш коэффициенти сезиларли даражада ўсмади.

Тадқиқ этилаётган даврда Ўзбекистонда асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати 35 йилдан 10,2 йилгача пасайган. Бу ижобий ҳолат, бироқ бугунги рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида 10 йил ҳам катта муддатни ташкил этмоқда. Чунки жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида компьютер технологиялари соҳаларида асосий фондларнинг тўла янгиланиш муддати 2-2,5 йилни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига хомашё экспорт модели хос ҳисобланади. 2020 йилга келиб, Ўзбекистон экспорти таркибида Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган ва ривожлантирилган пахтачилик-тўқимачилик кластерларининг тез ривожланиши ҳамда пахта толасига бўлган ички талабнинг ўсиши натижасида пахта толаси экспорти тўла тўхтади. 2020 йилда ялпи экспортда энергия ва нефть маҳсулотлари экспорти улуши 4,6 %ни, қора ва рангли металллар экспорти 38,6 %ни ва озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 9,0 %ни ташкил этди. Қора ва рангли металллар экспортининг 37,3 %ини олтин экспорти ташкил этади. Бундан кўринадики, республика экспортининг 52 %дан кўпроғини хомашё маҳсулотлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби, 2010-2020 йиллар [15]

№		2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.
1.	Жами экспорт	100	100	100	100	100	100
2.	Пахта толаси	12,1	9,3	7,7	5,3	1,6	-
3.	Озиқ-овқат маҳсулотлари	9,7	6,4	12,4	5,7	7,9	9,0
4.	Кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,1	5,6	4,7	6,9	6,5	5,4
5.	Энергия ва нефть маҳсулотлари	22,8	34,6	23,0	14,2	19,1	4,6
6.	Қора ва рангли металлар	6,9	7,8	7,2	5,9	8,4	38,6
7.	Машина ва асбоб-ускуналар	5,5	6,5	4,0	1,8	1,5	3,0
8.	Хизматлар	10,2	17,3	22,4	25,8	21,7	13,2
9.	Бошқалар	27,7	12,5	18,6	34,4	33,3	26,2

Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, машинасозлик ва республикада ишлаб чиқарилган машина ва ускуналар импорти 3,0 % улуши билан хорижий аналоглари нисбатан рақобатбардош эмас, кимё саноати маҳсулотлари 5,4 %ни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг таркибий тузилмаси хомашё экспорт моделининг устунлиги, унинг ўзига хос бир қатор муаммоларини аниқлаш имконини беради:

1. Макроиқтисодий барқарорликнинг жаҳон хомашё, энергетика, қора ва рангли металларнинг нархларига боғлиқлиги, бу эса экспорт таркибида хомашё, энергетика, қора ва рангли металлар улушининг ошишига бевосита мутаносиб равишда ортиб боради. Экспорт таркибида хомашё, энергетика, қора ва рангли металларнинг улуши 2010 йилдаги 51,5 %дан 2020 йилда 52,2 %га ошди. Ўзбекистон иқтисодиётидаги ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайиши ҳам қисман жаҳон нархларининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, энергетика, қора ва рангли металларнинг нархи бюджетни шакллантиришда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

2. Табиий ресурсларнинг чекланган захиралари туфайли хомашё экспорт моделининг узоқ муддатли ривожланишининг мумкин эмаслиги. Баъзи экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон нефтининг геологик захиралари – 5 млрд. тонна ва табиий газнинг геологик захиралари 5 трлн. куб метрдан ортиқ. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тадқиқотлар маркази маълумотларига кўра, ресурс истеъмолининг ҳозирги тенденциялари ва ҳажмлари давом этса, Ўзбекистонда табиий газ ва кўмир захиралари кейинги 20-30 йил давом этади, нефть захиралари эса деярли яроқсиз холатга келиши мумкин [16]. Шу билан бирга, тоғ-кон компаниялари мавжуд конларни ривожлантиришни афзал кўрадилар, чунки геологик тадқиқотлар жуда муҳим инвестицияларни талаб қилади.

3. Миллий иқтисодиёт тармоқларининг якуний маҳсулот ишлаб чиқарадиган ички бо-

зорга хизмат қилиши билан тавсифланишидир. Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги сифатида унинг жаҳон бозорига экспортидир, аммо Ўзбекистон экспортининг тузилишида 2010 йилдан бери тармоқлар ўртасидаги нисбатларда сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Ўзбекистон Республикаси экспорт таркибида юқори фан сифимли тармоқлар ва юқори технологияли саноатнинг заиф ривожланиши натижасида технологиялар экспорти мавжуд эмас. Технологик тўлов балансига кўра, Ўзбекистон технологияларнинг соф импорти ҳисобланади. Хомашё салоҳияти муҳим рақобат афзаллиги сифатида қаралиши мумкин. Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда ўн тўртинчи, экспорт бўйича дунёда учинчи ва пахта ишлаб чиқариш бўйича олтинчи, уран захираси бўйича еттинчи (уран захирасининг 4 %и), олтин захиралари бўйича жами дунёда тўртинчи, олтин қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тизимли четга оғишларидан бири мамлакатда бир доллар хомашё бирлигига тўғри келадиган қўшилган қийматнинг жуда паст эканлигидир: АҚШда бу 10 долларга тенг, Ўзбекистонда эса 2 доллар.

2008-2010 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасида иқтисодиётнинг хомашё тури мустаҳкамланишига ёрдам берди, чунки асосий давлат ёрдами, асосан, йиррик тизим шакллантирувчи корхоналарга тақдим этилди. 2008-2010 йиллардан кейин иқтисодий ўсиш, асосан, хомашё экспорти ҳажмининг ошиши ва унинг нархининг ўсиши ҳисоби га юз берди. Ўзбекистон экспорти таркибий тузилмасида хомашё экспорти 2010 йилда 56,5 %ни, 2014 йилда 55,0 %ни, 2018 йилдан мамлакатда ички истеъмол учун нефть ва газ маҳсулотлари талаб ҳажмининг ўсиши натижасида хомашё экспорти 43,4 %ни ва 2020 йилда 48,6 %ни ташкил этди. Бунинг натижасида қайта ишловчи тармоқларнинг саноат ишлаб чиқари-

ши ялпи ҳажмидаги улуши 2010 йилдаги 70,8 фоиздан 2014 йилда 71,1 фоизга, 2018 йилда 71,9 % ва 2020 йилда 75,5 %гача ўсди Шу муносабат билан бугунги кунда ҳам иқтисодиётнинг таркибий тузилмасидаги номуносивликни баргараф этиш ва юқори фан сиғимкор бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг саноат секторидан устувор бўлишининг глобал тенденцияси Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам хосдир, бироқ Ўзбекистонда бу тенденция муайян ўзига хосликлар билан ажралиб туради. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ўсиши моддий ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнат ресурсларининг хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб ўтиши натижасида, Ўзбекистонда эса хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги саноатнинг ўсиш суръатлари пасайиши ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденцияси билан юз берди. Саноатнинг ялпи жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, хизматларнинг умумий ҳажмида юқори технологик товарлар улуши 1,7 %ни ва ўрта-юқори технологик товарлар, ишлар, хизматларнинг улуши 19,1 %ни ташкил этди, бу 2015 йилда 17,1 %га нисбатан 4,1 пунктга ўсган [17]. Таққослаш учун шунга ўхшаш кўрсаткичнинг ривожланган мамлакатлар ЯИМидаги улуши камида 75 %ни ташкил этмоқда.

Ишчи кучининг таркибий тузилиши ҳам деформацияланган: жами ишчи кучининг таркибий тузилмасида олий маълумотга эга бўлганлар 2020 йилга келиб, 19,4 %ни ташкил этади. Мамлакатда илмий тадқиқот фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар сони 2015 йил 323

тадан 2019 йилга келиб 304 тага камайди ва шунга мос равишда миллий иқтисодиётда илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи ишчи ходимлар сони ҳам мос равишда тадқиқ этилаётган даврда 36839 тадан 2019 йилга келиб, 31099 тага камайди [18].

Иқтисодий фаолият турига кўра, даромад даражаси ўта нотекис. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик иш ҳақи 2667,6 минг сўмни ташкил этади. Ушбу республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори тармоқ, энг юқори ойлик иш ҳақи молиявий ва суғурта фаолиятида 6230,6 минг сўмни ташкил этади ва бу республика кўрсаткичига нисбатан 233,6 %га юқори. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кам иш ҳақи даражаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кузатилиб, 1808,5 минг сўм ёки республика ўртача кўрсаткичининг 67,8 %ига тўғри келмоқда. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кам ва энг юқори иш ҳақи даражалари ўртасидаги фарқ 3 мартадан кўпни ташкил қилмоқда.

Келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда молиялаштириш манбалари бўйича илмий тадқиқот ва ишланмалар харажатлари таркиби бошқа барча мамлакатларнинг харажат тузилмасидан тубдан фарқ қилади. Давлат маблағлари таркибий тузилмада 67,4 %ни ташкил этиб, бошқа инвестиция ресурсларига нисбатан устунлик қилади. АҚШнинг ушбу турдаги кўрсаткичидан 2,6 баробардан ортиқ ва Япониядан деярли 4,5 баробар ошиб кетади. Бошқа барча мамлакатлар ички харажатларининг таркиби бир хил бўлиб, бошқа миллий манбалар ва хорижий манбалар параметрлари нисбатида кичик тафовутлар кузатилади (4-жадвал).

4-жадвал

Молиялаштиришнинг манбалари бўйича илмий тадқиқот ва ишланмалар харажатларининг ички таркибий тузилиши [19] (2020 йилги маълумот, %да)

№	Мамлакатлар	Давлат бюджети	Тадбиркорлик сектори маблағлари	Бошқа миллий манбалар	Хорижий манбалар маблағлари
1.	АҚШ	25,1	62,3	7,4	5,2
2.	Хитой	20	76	3,3	0,7
3.	Франция	34,8	54,0	3,5	7,6
4.	Германия	28,5	65,2	0,3	5,9
5.	Япония	15,0	78,1	6,2	0,7
6.	Россия Федерацияси	56,2	30,2	1	2,6
7.	Корея Республикаси	22,7	75,4	1	0,9
8.	Буюк Британия	27,7	49	6,3	17,1
9.	Ўзбекистон Республикаси	67,4	25,6	3,4	3,6

Жадвалда келтирилган Ўзбекистон Республикасидан ташқари барча мамлакатларда бизнес сектори маблағлари (ўртача қиймати – 66 %) ва давлат (ўртача қиймати – 25 %) ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, ИТТКИ (Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари)

ривожланишида давлатнинг роли камайиб бориш тенденцияси технологик етакчи давлатлар ўртасида яққол намоён бўлади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда фан-техника тараққиётини бошқариш ва хўжалик юритувчи

субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш қисқариб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тузилиши динамик хусусиятларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги таркибий тузилиши икки асосий омилга боғлиқ: марказлашган режали иқтисодиёт даврида шаклланган деформацияланган иқтисодиёт таркибий тузилмаси ва Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор трансформациясидаги номунато-субликлар.

2. 2005-2020 йиллардаги иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларида намоён бўлган таркибий ўзгаришларга хомашё, энергия, қора ва рангли металллар бозорида қулай конъюнктура ва яхши инвестицион муҳит натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг киришига туртки бўлди. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва такрор ишлаб чиқариш нисбатлари таҳлили шуни кўр-

сатадики, содир бўлган таркибий такомиллаштиришлар Ўзбекистон ва технологик ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий таркибий нисбатлари ўртасидаги тафовутнинг кучайишига ҳисса қўшганлиги билан тавсифланади.

3. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг мавжуд таркибий тузилмаси нисбатлари ва замонавий технологик детерминантлар ўртасидаги тафовут мавжуд. Бу Ўзбекистонда юқори фан сиғимли технологиялардан кенг фойдаланиш ва иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларини ривожлантиришни талаб этади.

4. Янги sanoat инқилоби шароитида халқаро рақобатнинг кучайиши, таркибий инқирознинг чуқурлашуви ва даврий беқарорликнинг ошиши натижасида экспорт-хомашё модели доирасида ўсиш имкониятлари чекланади. Амалга оширилаётган жараёнлар sanoat ишлаб чиқаришини янги фан сиғимкор юқори технологик асосда ташкил этишни долзарб қилиб, кун тартибига қўймоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастури. - <https://uzlidep.uz/news-of-party/10076>.
2. Кондратьев Н.Д. Проблемы экономической динамики. – М.: Экономика, 1989. – 526 с.
3. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция. // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. / Под ред. Ю.В.Яковца. – СПб.: Гуманистика, 2003. С. 371.
4. Mensch G. Stalemate in Technology – Innovations Overcame the Depression. – New York: Ballinger Publishing Company, 1979. – 274 p.
5. Сухарев О.С. Структурные проблемы экономики России: теоретическое обоснование и практические решения. – М.: Финансы и статистика, 2010. С. 34.
6. Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике. – Саратов: Изд-во СГУ, 2001. С. 24.
7. Яковец Ю.В. Циклы, кризисы, прогнозы. – М., 1999. С. 8.
8. Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. 68-б.
9. Ваҳобов А.В. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш – барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш – бугунги куннинг устувор вазифаси. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009 й. сентябрь. 6-б.
10. 10-Лет Содружество Независимых Государств (1991-2000). – М., 2001 год. С. 123.
11. Альманах «Узбекистан 2015». Ташкент: 2016. Центр экономических исследований. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. – Т., 2021. – 229 б.
12. https://eabr.org/upload/EDB_2021_Report_Uzbekistan_and_the_EAEU_rus.pdf.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон илм-фан ва инновацион фаолият. – Т., 2020 йил. 25-б.
14. National Energy Efficiency Action Plans and Annual Reports. // European commission, The European Bank for Reconstruction and Development, European Investment Bank. P. 140.
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплами. 2010-2018 йиллар. – 250-б., Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2021 йил. – 239-б.
16. <http://articlekz.com/node/2628>. UzTransGaz.
17. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. – 138 б. 2021 йил маълумотлари асосида ҳисобланди.
18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон илм-фан ва инновацион фаолият. – Т., 2020 йил. 48-б.
19. Муаллиф томонидан ҳисобланган. Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият статистик тўплам. – Т., 2020. 51-б. Индикаторы науки: 2019. Статистический сборник. – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 320 с.